Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 12 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 31 (12.844)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АЪЗОЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қарорларига мувофиқ Бош вазир лавозимига Ш.М.Мирзиёев тасдиқланган.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ:

Мирзиёев Шавкат Миромонович — Бош вазир

қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси раҳбари,

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
2. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Азимов Рустам Содиқович — Бош вазирнинг биринчи ўринбосари – молия вазири

макроиқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалалари комплекси раҳбари,

1. Иқтисодиёт вазирлиги
2. Молия вазирлиги
3. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
4. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
5. Давлат солиқ қўмитаси
6. Давлат божхона қўмитаси
7. Давлат статистика қўмитаси
8. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси
9. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштиради

Зокиров Ботир Иркинович — Бош вазир ўринбосари – Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари комплекси раҳбари,

1. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги
2. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Ибрагимов Ғуломжон Иномович — Бош вазир ўринбосари

геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси раҳбари,

1. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини мувофиқлаштиради

Розуқулов Улуғбек Убайдуллаевич — Бош вазир ўринбосари – «Ўзавтосаноат» АК бошқаруви раиси

машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари комплекси раҳбари

Икромов Адҳам Илҳомович — Бош вазир ўринбосари

маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси раҳбари,

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2. Халқ таълими вазирлиги
3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
4. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги фаолиятини мувофиқлаштиради

Боситхонова Элмира Иркиновна — Бош вазир ўринбосари – Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси

Вазирликлар

Саидова Галина Каримовна — Иқтисодиёт вазири

Ғаниев Элёр Мажидович — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири

Абдуҳакимов Азиз Абдуқаҳарович — Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

Тешаев Шуҳрат Жўракулович — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

Мирзоҳидов Хуршид Мирсобирович — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

Бердиев Қобул Раимович — Мудофаа вазири

Аҳмедбоев Адҳам Акрамович — Ички ишлар вазири

Комилов Абдулазиз Ҳафизович — Ташқи ишлар вазири

Икромов Музраф Мубаракходжаевич — Адлия вазири

Алимов Анвар Валиевич — Соғлиқни сақлаш вазири

Ваҳобов Алишер Восиқович — Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Иноятов Улуғбек Илёсович — Халқ таълими вазири

лавозими бўйича — Маданият ва спорт ишлари вазири

Худайбергенов Турсинхон Айдарович — Фавқулодда вазиятлар вазири

Давлат қўмиталари

Парпиев Ботир Раҳматович — Давлат солиқ қўмитаси раиси

Дусанов Зоҳид Абдуқаюмович — Давлат божхона қўмитаси раиси

Тўраев Ботир Эшбоевич — Давлат статистика қўмитаси раиси

Ҳидоятов Даврон Абдулпаттахович — Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси

Арабов Саидқул Амирович — Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси

Тўрамуратов Илҳомбой Бекчонович — Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолари этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 11 февраль

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ЙИГИТЛАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА КУЗАТИЛДИ

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида қоровул қўшинларига муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва турли жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар чақирилувчиларни ҳаётидаги ушбу муҳим воқеа билан самимий қутлаб, уларга оқ йўл тилади.

Президентимизнинг 2014 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ йигитларнинг барчаси хизматга қатъий саралаб олинди.

Масалан, жорий йилда бир ўринга 10 нафардан зиёд чақирилувчи даъвогарлик қилди. Саралаб олинган йигитларнинг 25 фоизи олий маълумотли, 30 фоизи Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида ўқиб турли касбни эгаллаган. 75 фоизи эса спорт турлари бўйича разрядга эга.

– Ватан ҳимояси ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир, – дейди чақирилувчи, спорт усталигига номзод Б.Олимов. – Болалигимдан ҳарбий бўлишни орзу қиламан. Шунинг учун тест синовларига пухта тайёргарлик кўрдим, спорт билан астойдил шуғулландим, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотида ўқиб, радиотелефончи касбини эгалладим. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаганимдан сўнг Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кирмоқчиман.

– Ўғлим ҳамиша ҳарбий бўлишни орзу қиларди ва армия билан боғлиқ барча нарсаларга қизиқарди, – дейди чақирилувчининг онаси Г.Пирматова. – Шундай ўғлонни вояга етказганимдан фахрланаман. Фарзанди ўз Ватани тинчлиги ва фаровонлигини ҳимоя қилаётганини кўриш ҳар бир она учун катта бахтдир.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатган номзодларини рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Сайлов — 2015

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Булар сиёсий партия раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаси, сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори, сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси ҳамда номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларидан иборат.

Аввалроқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакиллари ҳам ушбу ҳужжатларни тақдим этганди.

Шу тариқа тўрт сиёсий партия ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжат тақдим этиш жараёнини қонунда белгиланган муддатда якунлади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни текшириб чиқиб, уларнинг сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Марказий сайлов комиссияси ҳузурида тузилган ишчи гуруҳлари имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширмоқда. Қонунчиликка мувофиқ имзо варақалари текшириш учун танлаш йўли билан ажратиб олинади. Сайловчилар имзолари миқдорининг камида 15 фоизи ва сайлов варақаларига имзо қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширувдан ўтказилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган ҳар бир номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчилар имзоларининг тенг миқдордаги сони текшириш учун ажратиб олинади.

Ишчи гуруҳи аъзолари ҳар бир имзо варақасини уларнинг тўғри тўлдирилганлиги, тузатишлар, ўчириб ёзилган жойлар ёки ўхшаш имзолар мавжудлиги каби жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ўрганиб чиқади. Камчиликлар аниқланган имзо варақалари чуқурроқ текшириш учун ажратиб олинади.

Ишчи гуруҳи имзо варақаларини текширишни ўтказаётган хонада сиёсий партияларнинг вакиллари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

Текшириш тугаганидан сўнг баённома тузилиб, унда сайловчиларнинг тақдим этилган ва текширилган имзолари сони, ноаниқ ва ҳақиқий эмас деб топилган имзолар миқдори кўрсатилади. Ушбу ҳужжат Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли қарор қабул қилиш учун асос бўлади.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилоятининг Улуғнор туманида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Округ сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари шахсий таркибини тасдиқлаш масаласи муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида округ ҳудудидаги участка сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

● Ҳокимликлар ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар масъул котиблари ўртасида «Йилнинг энг яхши масъул котиби» республика кўрик-танловининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Германиянинг «Siemens» концерни мавжуд иш ўринлари сонини 7800 тага қисқартиришини маълум қилди. Бунга йирик саноат корхонасининг даромадлари ҳажми тушиб кетаётгани сабаб сифатида кўрсатилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг сўнгги чорагида соф фойдаси 25 фоиз камайган.

● Чили тоғларида бир гуруҳ альпинистлар бундан 54 йил аввал ҳалокатга учраган самолёт қолдиқларини топиб олишди. Манбада айтилишича, «Дуглас Ди-Си-3» русумидаги ушбу ҳаво лайнери маҳаллий «ЛАН» авиакомпаниясига тегишли бўлиб, 1961 йилнинг 3 апрелида қулаган эди.



Аскар Екубов (ЎзА) олган сурат

Ахборот-коммуникация технологиялари

СОЛИҚ ТИЗИМИ: ЯНГИ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР

Ҳаётимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни тобора ортиб бораётгани зарур ахборотлардан тезкор хабардор бўлиш, турли интерактив хизматлардан фойдаланиш имконини бермоқда.

Масалан, солиққа оид тушунмовчиликка дуч келсангиз, аввало, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг сайти – www.soliq.uz орқали интерфаол хизматлардан фойдаланиб, соҳага оид ҳар қандай саволга жавоб топишингиз мумкин. Мабодо жавоб тополмасангиз, сайтдаги «Электрон қабулхона»га киринг. Тизимга зарур маълумотларни киритсангиз, сиз учун «Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш карточкаси» очилади. Шунга асосан аниқ вақтда сиз учун тегишли мансабдор шахс билан учрашув ташкил этилади.

Мазкур хизматдан смартфонлар учун мўлжалланган «SOLIQ» мобиль иловаси ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz) орқали ҳам фойдаланиш мумкин.

«SOLIQ» мобиль иловаси ўзбек ва рус тилларида яратилган бўлиб, у орқали «СТИРингизни аниқланг», «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар», «Сизнинг солиқ хизматингиз», «Солиқ қарзини аниқлаш», «ККС тўловчи», «Кўп учрайдиган саволлар», «Мурожаатлар ҳақида маълумот олиш», «Солиқ низоларини кўриб чиқиш», «Кичик бизнес тоифасига мансублигини аниқлаш», «Сўровнома», «Имтиёз маълумотномаси», «Электрон қабулхона», «Текширишлар режа жадвали», «Ўз бизнесингни ярат» каби интерактив хизматларидан фойдаланиш имконияти мавжуд.

Давлат солиқ қўмитасининг ягона телефон рақами вазифасини ўтовчи «Автоинформатор» интерактив хизмати ҳам солиқ тўловчиларга яна бир қулайлик бўлди. Бунда кўп каналли (0371) 202-32-82 телефон рақами орқали хизмат кўрсатилади. Мазкур телефон автоматик режимда тегишли дастур асосида солиқ тўловчиларга қатор мавзуларда маълумот тақдим этади. Хусусан, тизим орқали Давлат солиқ қўмитаси фаолияти, жисмоний ва юридик шахсларга солиқ солиш, валюта назорати ва халқаро ҳамкорлик, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, солиқ солиш методологияси, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш, назорат тафтиш текширишлари ҳамда солиқ органларининг интерактив хизматлари бўйича маълумот олиш мумкин.

«Автоинформатор» зарурият туғилганда қўнғироқларни Давлат солиқ қўмитасининг масъул ходимлари, раҳбарияти телефон рақамларига, «ишонч телефони»га ҳамда ягона телефон маълумотномасига ўтказиш имконига эга.

Яна бир янгилик: жорий йилдан бошлаб солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни банкка бормасдан «Клик» ва «Мбанк» тўлов тизимлари ёрдамида мобиль телефон ёки интернет орқали онлайн режимида тўлаш мумкин. Ушбу тўлов тизимларидан фойдаланишда қўшимча пул олинмайди. Тўланган солиқлар ҳақидаги маълумотлар солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларига автоматик равишда қайд қилинади. Бунинг учун тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган Online-UZCARD пластик карталаридан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан маълум қилишларича, солиқ тўловчилар учун яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайиб бормоқда. Айни пайтда соҳанинг барча йўналишларини қамраб олган интерактив хизматлар сони олтмишга яқинлашди.

Бундай имкониятлар ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, аҳоли ва тадбиркорларнинг вақти ва маблағини тежаш, оворагарчиликларнинг олдини олиш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг ҳар жиҳатдан янада тараққий этишига замин яратади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни эъзозлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аёлларга муносиб турмуш, меҳнат шароитларини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли эзгу саъй-ҳаракатлар халқаро миқёсда ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2014 йилда халқаро муносабатлар доирасида олиб борган фаолиятига бағишланган ҳисобот тадбирида шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда барча жабҳаларда кечаётган янгиланишлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини, билим ва салоҳиятини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони опа-сингилларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада оширишда, уларга кўпроқ қулайлик ва имкониятлар яратишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тизимида 208 ҳудудий бўлим ва бўлинма, 42 мингга яқин бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда жаҳон хотин-қизлар ҳаракатлари билан бевосита мулоқот ўрнатиш йўлида яратилган имкониятлар натижасида ушбу жамоат ташкилоти томонидан Ўзбекистонда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлардан халқаро ҳамжамиятни тўла хабардор этиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, халқаро муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Хотин-қизлар қўмитасининг бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда аёллар учун имтиёзли кредит маблағлари ажратиш ва шу орқали қишлоқ аёлларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, оилаларнинг иқтисодий фаровонлигини юксалтириш бўйича лойиҳа ва дастурлари муваффақиятли амалга оширилди.

Европа Иттифоқининг Институционал ривожлантириш ва ҳамкорлик дастури доирасида «Эҳтиёжманд оилаларга даромад манбаларини яратишда ижтимоий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш бўйича янги дастурлар» лойиҳаси бўйича аёлларнинг иқтисодий билим ва салоҳиятини юксалтиришга доир туркум семинарлар ўтказилиб, маҳаллаларда «Ягона ойна» ахборот-маслаҳат хизмати ташкил этилди. БМТнинг Болалар жамғармаси билан ҳамкорликда «Бола шахсига йўналтирилган таълим» лойиҳаси доирасида болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ота-оналар ўртасида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб бориш, боғчаларга кичкинтойларнинг жалб қилинишини янада кенгайтириш, ушбу масканларда қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этиш юзасидан ижобий натижаларга эришилди.

– Фуқаролар йиғинимизда икки ярим минг нафардан ортиқ хотин-қиз истиқомат қилади, – дейди ЎзА мухбирига Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл туманидаги «Бескўпир» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулистон Аралбаева. – 2014 йилда Хотин-қизлар қўмитаси ўз бизнесини бошлаш истагидаги олтмиш нафарга яқин аёлга имтиёзли кредит олиб беришда кўмаклашди. Натижада уйда ўтирган хотин-қизларга чеварлик, гиламдўзлик, пазандалик билан шуғулланиши учун зарур имкониятлар яратилди.

Тадбирда Хотин-қизлар қўмитасининг халқаро муносабатлар доирасидаги истиқболдаги режалари белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА

Таълим

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА

Тошкент ахборот технологиялари университетида Жанубий кореялик малакали мутахассислар ҳамда университет талабалари ҳамкорлигида «Андроид операцион тизими учун илова ишлаб чиқишнинг долзарб масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Маълумот ўрнида келтириш керакки, мазкур семинар-тренинг Корея миллий транспорт университети мутахассислари иштирокида иккинчи маротаба ташкил этилди. Семинарда Тошкент ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи, Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ва Куйи Чирчиқ транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқувчилари иштирок этишди.

Ўзаро тажриба алмашинувидан кўзланган асосий мақсад эса ахборот технологиялари соҳасидаги икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат.

— Машғулотлар давомида Андроид мобиль операцион тизими, смартфон ва мобиль қурилмаларнинг очиқ платформаси имкониятлари билан танишдик, — дейди ТАТУ талабаси Шаҳбоз Ортиқов. — Олти кунлик ушбу семинарда фаол иштирок этдим. Семинар барча талаба-ёшлар учун янги ва замонавий технологиялар билан яқиндан танишиш имконини берди.

Семинар доирасида ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотларнинг ярмаркаси ҳам ташкил қилинди. Машғулотлар якунида муваффақиятли қатнашган фаол талабаларга сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
ЎзДЖТУ талабаси

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН МАНФААТЛИ УЧРАШУВ

Шаҳримизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан назорат қилувчи орган ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Тадбиркорлар куни» ўтказилди.

Тадбир кейинги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг Қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмун-моҳиятини кенг ва тўлақонли тушунтириш мақсадида ташкил этилиб, унда ҳуқуқни муҳофаза ва назорат қилувчи органлар вакиллари, адлия, банк, солиқ, статистика соҳалари ходимлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари иштирок этди.

Тадбиркорликка оид қабул қилинаётган ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан тадбиркорлик субъектлари вакилларини таништириб бориш ва уларга керакли маълумотларни тақдимотлар орқали етказиш ҳамда фаолиятларида учраётган муаммоларни мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ечиш тадбирнинг бош мақсади бўлди.

Тадбирда тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган имкониятлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан, тадбиркорлик субъектларига солиқ соҳасида яратилаётган имтиёз ва афзалликлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга оид қабул қилинган Фармон, Қарорлардан келиб чиқиб яратилаётган имтиёз ва шарт-шароитлар тўғрисида мутасадди вакилларнинг маърузалари тингланди.

— Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилиши мамлакат иқтисодий салоҳиятига уларнинг салмоқли ҳиссасининг қўшилишига асос бўлмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси вакили Ҳасан Мадалиев. — Бу борада бошқарамиз ва назорат қилувчи органлар ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклар билан алоқаларини йўлга қўйишда кўмаклашиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизда фаолият юритаётган саноат корхоналари, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган кичик бизнес субъектларига кўпроқ эътибор қаратиш ва уларда учраётган муаммо ҳамда таклифларини ўрганиш мақсадида мазкур тадбирга тадбиркорлик субъектларидан 60 га яқини таклиф этилди. Таъкидлаш жоизки, тадбир давомида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонунининг ижросини таъминлаш, тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг барча тармоқларига кўрсатилаётган хизматлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги имтиёзлар, ISO 90001 Халқаро стандартини корхоналарда жорий этиш ҳамда унинг афзалликлари бўйича берилган маълумотлар қатнашчилар фаолиятида қўл келади.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармасининг ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи Зулайҳо Холметова тадбир иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонларига асосан 2014 йилда янги кичик бизнес субъектини ташкил этиш учун ном олиш ва уни электрон рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳар чорак мобайнида электрон йўл билан ҳисоботларни топшириш тартиблари тўғрисида батафсил маълумот берди. Бундан ташқари иштирокчиларга тадбиркорлик фаолияти давомида бирон-бир муаммо юзага келса ишонч телефонларига мурожаат этишлари мумкинлиги, вилоятлараро тадбиркорлар билан учрашувларнинг амалга оширилиши ва унинг аҳамияти ҳақида ҳам айтиб ўтилди.

Ўйлаймизки, учрашув тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес субъектларида ҳуқуқни муҳофаза ва назорат қилувчи органларга нисбатан самимий ишончни шакллантиришга хизмат қилади.

Тадбир давомида тадбиркорлик субъектлари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоблар олишди, юзага келаётган муаммолар бўйича мутасадди вакиллар томонидан маълумотлар берилди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашув кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келажакда фаолиятлари давомида асқотади, деган умиддамиз.

Зиёда РАСУЛОВА

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА 2015 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА МЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКАНИ, МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИ, УСТАХОНАЛАР ВА СЕРВИС ПУНКТЛАРИНИНГ АСБОБ-УСКУНАЛАРИНИ ТЕХНИК КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш давлат бош инспекцияси тўғрисида»ги Низоми (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 50-сон, 559-модда), Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2013 йил 2апрелдаги 58-буйруғи билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил 29 апрель, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш ҳамда туманда 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини (бундан буён матнда техника деб юритилади) ҳар йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманида 2015 йилда мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилотларда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш иш режаси 1-иловага ва комиссия таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича давлат инспектори (комиссия раиси) М.Каримкуловага:

техникага мулк ҳуқуқи асосида эга шахсларга (бундан буён матнда мулкдор деб юритилади) техникаларини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги билдиришномани техник кўрик ўтказиш кунидан камида ўттиз кун олдин юборишни таъминлаш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситалари, машина асбоб-ускуналарни йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги иш режаси ва комиссия таркибини юридик ва жисмоний шахсларга етказиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар барча русумдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив йўл қурилиш техникаси воситаларини йиллик техник кўрикдан ўтказиш майдончаларига йиғиш;

техник кўрикдан ўтган техникаларга далолатномалар асосида ишлашга рухсат беришни ташкил қилиш;

техник кўрикдан ўтмаган ёки техник кўрикка тақдим этилмаган техникалар юзасидан мулкдорга ёзма кўрсатма берилиши ва қайта техник кўрикдан ўтказиш учун ўн кундан кам бўлмаган муддатни белгилаш;

техникани қайта кўрикдан ўтказиш учун мулкдордан йиғим ундирилмаслик;

мулкдор кўрсатмада белгиланган муддатда техникани қайта техник кўрикдан ўтказмаган ҳолда туман ҳокимлигига маълумот бериш ишларини амалга ошириш топширилсин.

3. Бошқа туманларда фойдаланилаётган техниканинг ушбу манзилдаги давлат инспектори томонидан техника доимий рўйхатдан ўтган давлат инспекторининг сўровномасига асосан техник кўрикдан ўтказилиши белгилансин.

4. Мулкдорларга:

билдиришномани олгандан сўнг техник кўрик ўтказилишидан камида беш кун олдин техник кўрикдан ўтказиладиган техникалар тўғрисида далолатнома тўлдирилсин;

техник кўрикдан ўтказиш учун белгиланган йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат техника доимий рўйхатдан ўтган жойдаги давлат инспекторига тақдим этилсин.

5. «Давтехназорат» инспекцияси (С.Хаитов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатсин.

6. Шайхонтоҳур туман ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи (Х.Шермухамедов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Шайхонтоҳур туман тармоқ администратори (Н.Насириллаев):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.poytaxt.shayxontohur.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Туман ҳокимининг 2014 йил 9 январдаги «Шайхонтоҳур туманида 2015 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 12-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Махамедов зиммасига юклансин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими
М.Мирқосимов

2015 йил 12 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.



14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

ОТАШҚАЛБ ШОИР ВА БИЛИМДОН ТАРИХЧИ

Буюк бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур моҳир жангчи, тадбирли саркарда, оташқалб шоир, истеъдодли адиб, билимдон тарихчи, синчков географ, инсон қалбини ўқий оладиган руҳшунос сифатида эътироф этиб келинади. Албатта, бу таърифларнинг барчаси ўз асосига эга.

Ҳазрат Бобурнинг жасур жангчи ва оқил лашкарбоши эканлигига тарихнинг ўзи шоҳид. Амударёдан оз сонли навкарлари билан кечиб ўтган йигит орадан ўн беш йилга яқин вақт ўтгач Ҳиндистондек қадим тарихга эга ўлкани забт этди. Унинг ўнг ва чап қўлларида бирдек қилич ишлата билиш қобилияти, йиллар давомида тўпланган тажриба ҳосиласи бўлган салоҳият – жанг майдонида ўта моҳирона тарзда ҳарбий ҳийлаларни қўллай билиши ҳамон ҳарб соҳасида чуқур тадқиқ қилинишга молик бўлган жиҳатлардандир.

Унинг хотиржамликда ўтказган кунлари жуда кам бўлган. Ҳаётининг ҳар лаҳзасида ўлим хавфи уни тарк этмади, садоқатли дўстлари қаторида хиёнаткор ғанимлари ҳам бор эдики, бу Бобурнинг ҳаловатига путур етказгани шубҳасиз. Аммо у буюк шахс эди. Чунки Бобур тубанликлардан юксак бўлиб, унинг нигоҳлари узоқларни илғай оларди. Дўстлари қанчалик садоқат кўрсатсалар, Бобур уларни минг чандон кўпроқ қадрларди.

Бобур девонларини қўлга оласиз. Нозик қалб ҳарорати қалбингизга кўчиб ўтади. Унда шоир Бобурнинг ҳиссиётларини топасиз. Сизга Мирзо Бобур дилдош кишингиздай яқин бўлиб кетади. Байтларни ўқиганингиз сайин улуғ шахснинг юксак инсоний туйғулари Сизнинг кўнглингизга нур етаклаб кирганлигини яққол сезасиз.

«Бобурнома»ни варақлайсиз. Сиз унда подшоҳнинг қатъиятли ва ҳукмдорларга хос бироз бетакаллуф, аммо жуда ярашимли овозини эшитасиз. Ҳазрат Бобур сўз айтишда мулозамат ва такаллуфни ёқтирмасди. Унинг фикрича, ортиқча ҳашам матн чиройини бузади. Содда ёзган маъқул. Ёзаётган ҳам, ўқиётган ҳам қийналмайди. Ҳарқалай, у ўз ўғли Ҳумоюнга битган мактубида шундай таълим берган.

«Бобурнома» орқали биз Мирзо Бобурни ифода услуби нафис адиб – носир сифатида таниймиз.

Бобур Мирзо ўзи яшаётган, ўзи борган, кўзлари билан кўрган ҳудудларнинг тарихини, жойлашувини, табиатини, одамларини ўрганарди. Қонида илмга ташналик бор эди. У кўзлари билан кўрган воқеликни қоғозда акс эттиришни, бу эртага фарзандларга фойдали илм сифатида мерос қолишини истарди. Шунинг учун «Бобурнома»ни қомусий асар деб эътироф этадилар.

Яна муҳим жиҳати, Бобур Мирзо мард одам эди. Дангал гапириш, масалани очиқчасига қўйиб ҳал қилиш унинг шахсиятига хос бўлган. Шунинг учун унинг маълумотларига шубҳа билан қарашмайди. Бобур айтганми, демак, бу гап тўғри. У кўриб билганини, хулоса қилганини гапирган.

«Бобурнома»да юзлаб шахсларнинг номлари зикр этилган. Баъзиларига алоҳида таърифлар берилган. Ўша одамларнинг кўриниши, феълу саъжияси, одат ва ҳаракатлари ёритилган. Масалан, Бобур Мирзо ўз отаси Умаршайхни ҳам, Ҳусайн Бойқарони ҳам, Алишер Навоийни ҳам холис туриб тасвирлайди.

«Бобурнома»да инсонлар руҳиятини тасвирлаш билан боғлиқ ўринлар анчагина. Бобур Мирзо йиллар давомида одамларни фарқлашни жуда яхши ўзлаштирган. Айёр билан соддани, оқил билан нодонни, мунофиқ билан мардни ажрата билган. Шунинг меваси бўлса керак, охир-оқибат унинг қўл остида садоқатли аъёнлар, билимдон ва ҳалол хизматчилар тўпланган. Акс ҳолда Бобур Мирзо буюк ҳукмдор сифатида тарихда из қолдира олмаган бўларди.

«Бобурнома»ни ўқир экансиз, Бобур ҳазратларини табиат шайдоси сифатида кўрасиз, хусусан, гулларга нисбатан ўзгача меҳри бўлгани ойдинлашади. 1525 йил воқеалари баёнида Бобур ҳазратлари Ҳиндистон табиати ҳақида батафсил маълумот беради. Даставвал, унинг жойлашув ўрнига тўхталади. Кейин сувлари, ҳайвонот олами, ўрмонлари, дарахтлари, иқлими, вақт ўлчови қаторида гуллари ҳақида ҳам муайян тавсифларни ёзган.

Яна бир қизиқарли жиҳат, Бобур Мирзо Ҳиндистондаги фасллар, ойлар, кунларнинг номларини келтиради, уларни Мовароуннаҳр ҳисоби билан қиёслайди: «Ҳиндустонда уч фасл бўлур, тўрт ойи ёздур, тўрт ойи пашкол, тўрт ойи қиш». Демак, ҳазрат Бобурнинг маълумот беришича, Ҳиндистонда бизнинг ўлкамизда кузатиладиган баҳор фасли мавжуд эмас. Сўнг ҳиндларнинг кабиса йили ҳисоби ҳақида ўқиймиз: «Ҳар уч йилда бир ойни пашкол ойлариға зиёда қилурлар. Яна уч йилда қиш ойлариға зиёда қилурлар. Яна уч йилда ёз ойлариға. Буларнинг кабисаси будур».

Бобур Мирзо уч фасл ҳамда улардаги ойларнинг номларини келтиради, қайси ой бизнинг ўлкамиздаги ойга муқобил эканлигини айтади: «Читар, байсоқ, жит, осор – тобистон; мувофиқи: ҳут ва ҳамал ва савр ва жавзо». Демак, шоҳ Бобур тобистон деганда ёз фаслини назарда тутмоқда, ҳиндларда ёз фасли биздаги ҳут ойи – қишнинг охирги ойидан бошланиб, жавзода – ёзнинг илк ойида якунланар экан.

Шунингдек, ҳазрат Бобур ҳиндларда кунни йигирма тўрт соатга, бир соатнинг олтмиш дақиқага тақсим қилинганлиги ҳақида айтиб ўтган. Маълумки, тилимизга ўзлашиб кетган «посбон» (қўриқчи, қоровул) сўзи аслида форсийча ҳисобланади, Бобур Мирзо унинг маъносини ҳиндий сўз ёрдамида очиб берган: «Ҳинд эли... яна кечани тўрт ва кундузни тўрт қисмат қилибтурлар. Ҳар қайсисини бир паҳр деб турларким, форсиси пос бўлғай. Ул вилоятларда пос ва посбон эшитилур эди, бу хусусият била маълум эмас эди».

Яъни ҳиндлар кундуз ва кечани жами саккиз паҳрга бўлишса, бу тўрт соатга тўғри келади. Шундан келиб чиқилса, «паҳр» – «тўрт соат» демакдир. Паҳрнинг форсийдаги ифодаси «пос» экан, «посбон» деганда кечанинг ва кундузнинг турли қисмларида навбат алмашиб қўриқчилик қилувчи ходимларни тушуниш мумкин. Бу эса ўз-ўзидан «пост» сўзини ёдга солади. Биламизки, постда навбатчилик асосида соқчилик қилинади...

Кўриб ўтганимиздек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур фавқулодда истеъдодли, ўта кузатувчан, қалби уйғоқ инсон бўлган. Тарихда, ўрта асрлар шароитида Ҳиндистонга саёҳат қилаётган сайёҳ учун «Бобурнома» бебаҳо қўлланма, йўл кўрсатувчи манба бўлиб хизмат қилганига шубҳа йўқ. Мазкур маълумотларнинг бугунги кун учун ҳам аҳамиятли жиҳати шундаки, мутахассислар уларга асосланиб, иқлим ўзгаришларини қиёсий усул билан таҳлил қилишлари мумкин.

Ўз ўрнида баъзи сўзларнинг этимологияси билан боғлиқ жиҳатлар эса «Бобурнома»нинг тилшунослик, тил тарихи, тилнинг ривожланиш жараёнларини ўрганишдаги ролини аниқ кўрсатиб беради.

Хулоса қилиб айтганда, туркий миллатнинг ёркин сиймоси ҳисобланган Заҳириддин Муҳаммад Бобур теран маърифат соҳиби, юксак маънавият эгаси, адабиётимизнинг йирик намояндаси сифатида улкан ҳурмат-эҳтиромга, меҳр-муҳаббатга ҳақли шахс эканлиги шубҳасиз. Унинг меросини ўрганиш, ёшларимиз орасида тарғиб этиш, шахсиятининг гўзал жиҳатларидан ибрат олиш бугунги кундаги долзарб вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

Дилнавоз ЮСУПОВА,
Ўзбекистон Миллий университети доценти,
филология фанлари номзоди

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

УМР СУРУРИ

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2015 йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилиниши барча юртдошларимизнинг дилларини хушнуд этди. Зеро, азалдан кичикларга иззатда, кексаларга хизматда бўлишга одатланиб, шу руҳда тарбия кўрган юртдошларимиз қалбида ота-она, бобо-момоларга нисбатан алоҳида эҳтиром, ўзига хос меҳр, самимий муносабат туйғулари мавжуд.

Диёримизда кексалар ва фахрийларнинг саломатлиги ва шодмонлиги учун хизмат қиладиган кўплаб сиҳатгоҳлар, соғлиғини қайта тиклаш тиббий марказларининг очилиши, нафақаларининг ўз вақтида етказиб берилиши, ёши улуғ одамларга, хасталанганларга кўрсатилаётган бепул тиббий ёрдам, енгилликларнинг ҳаммасини уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик дейиш мумкин. Қайси вилоят ёки туманга борманг, кекса бобо-момоларимиз қўлларини кўкка кўтариб, муҳтарам Юртбошимизни дуо қилаётганлигига кўзингиз тушади, беихтиёр шу юртда туғилиб-ўсганингиздан юрагингизда енгиллик, тилингизга эса шукроналиклар келади. Жаҳоннинг қанча ҳудудлари мавжудки, уларда қарияларга эҳтиром ва иззат-ҳурмат туйғулари ўзбекники қадар бесарҳад эмас. Бунинг сабаблари нимада?

Аҳолининг кексайиши ҳозирги дунёнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Инсон умри йилдан йилга узайиб, 60 ёшдан ошганлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Жумладан, қадимги Юнонистонда инсоннинг ўртача умри 28-30 ёшни ташкил қилгани ҳолда, 40 ёшлилар мўйсафид ҳисобланган, айни пайтда Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг таснифига кўра 45-59 ёшлар ўрта ёш, 60-74 ёш кексалик, 75 ёшдан катталар эса мўйсафидлик ёшида, 90 йил яшаш бахтига муяссар бўлганлар — узоқ умр кўрувчилар ҳисобланади. Тақвим ва биологик ёшлар фарқланади, муҳитга мослашувчанлик хусусиятларига кўра инсонларда кексайиш турли жадаллик билан кечади. Тақвим ёши яшаб ўтилган вақт миқдори билан аниқланса, биологик ёш вужуднинг саломатлиги даражаси ва кексайиш жадаллиги билан белгиланади. Тақвим ёши биологик ёшдан қанча катта бўлса, демак инсон шу даражада соғлом ва кексайиш шунча секинлик билан кечаётган бўлади.

Инсон аъзо ва тўқималарида ёшга хос ўзгаришлар бир маромда кечмайди. Юрак-қон томир, асаб, эндокрин тизимларининг кексайиши бошқа аъзо ва тўқималарга қараганда қийинчиликлар туғдиради. Биологик ёш вужуддаги турли вазифавий тизимлар мослашувчанлик имкониятларини баҳолашнинг уйғунлашмаси орқали аниқланади.

Кексайишнинг назариялари, муддатидан қатъий назар инсон омилларига катта эътибор берилаётган, аждодлар ва ўтмишдошлар иззат-ҳурмати жойига қўйилаётган, уларнинг қадрига етилаётган муборак юртимизда кексайишнинг ҳам умрнинг алоҳида босқичи сифатида ўз гашти ва муқаддаслиги бор. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда яшаб, шу муборак тупроқда кексайишнинг ҳам ҳикмати ҳамда гашти бор.

Дилбар ИБРАГИМОВА,
Тошкент банк коллежи
ўқитувчиси

ФАРОҒАТ — ҚАНОАТДА

Ҳанифа бувининг кунда «Бир бор экан, бир йўқ экан», деб бошланадиган эртак ва маталларини эваралари жон қулоғи билан тинглайди. Айниқса, онахоннинг ёшлик йиллари, кўрган-кечирганлари, орттирган ҳаётий тажрибаси ҳақидаги ҳикматли сўзлари, панд-насиҳатлари нафақат кичкинтойлар, катталарни ҳам эътиборсиз қолдирмайди. Табаррук онахон бу йил 104 ёшни қаршилади.

Шинамгина ҳовлига қадам қўяр эканман, бу хонадонда ўзгача файз, руҳ борлигини сездим. Ҳовлини болаларнинг шўх-шодон овози тутган. Ҳанифа буви елкамга қоқиб кўришгач, қўлини очиб дуо қилди: «Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин! Хонадонларимиздан файзу барака аримасин. Шундай ёруғ кунларимиз бардавом бўлсин...»

Тошкент шаҳрининг Яшнобод тумани Янги давр маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳанифа Ҳакимова бизга қараб ёшлик чоғларини эсга олади. У Иккинчи жаҳон уруши йилларининг бор заҳматини тортган. Фронт ортида меҳнат қилиб, ёшлик даврини далада ўтказган. Онахоннинг уруш даврида ҳам ишлаб, ҳам бир ўғил, бир қизни улғайтиргунча турмушнинг кўп машаққатларини бошидан кечирганини унинг оппоқ сочлари, юзидаги ажинлари сўзлайди.

– Бир бурда нон топиш энг катта бахт эди, – дейди Ҳанифа буви. – Яшаш учун, қорнимизни тўйғазиш учун эмизикли болимизни опичлаб далада ишлардик. Ҳа, у даврда инсоннинг бир чақалик қиймати йўқ эди. Бугун катталар ҳурматда, кичиклар иззатда. Минг шукрки, шундай дориломон кунларни кўриш, инсон қадри улуғланган юртда эъзоз ва эҳтиромда яшаш насиб этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони Ҳанифа буви каби уруш ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш йўлидаги эзгу ва савобли ишлардан бири бўлди. Бу кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланганининг амалдаги ифодасидир.

– Бугун юртимизда инсон қадри баланд, – дейди буви. – Биз, кексаларга ҳар томонлама ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилмоқда. Байрамларда маҳалла-куй, туман ҳокимлиги ҳолимиздан хабар оляпти, совға-салом улашяпти. Айниқса, Юртбошимизнинг фармони билан бу йилдан санаторийларда бепул дам олиб, соғлиғимизни мустаҳкамлаш имконияти яратилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим.

Кўзим беихтиёр стол устида турган диплом ва медалларга тушди. Онахон буни кузатиб турган экан, изоҳ берди: «Эвараларимнинг ютуқларини кўриб қувонаман. Насиб этса, улар, албатта, чемпион бўлиб, юртимизни дунёга танитади. Барака топсин!».

– Бу хонадонга келин бўлиб тушганимга ярим аср бўлди, – дейди Дилдора Ҳакимова. – Мана шу даврда қайнонамдан меҳнатсеварлик, сабр-қаноат, шукроналик ва меҳр-муҳаббатни ўргандим. Ўзим ҳам икки келин туширганман, ўғил-қизларим, невараларим қуршовида бахтли ҳаёт кечирмоқдаман. Шунга қарамай, ҳалигача қайнонамнинг маслаҳатларига таянаман.

Ҳанифа бувини маҳаллада барча «юз ёшли онахон», дея ҳурмат билан тилга олади. Маҳаллада нимаики ишга қўл урилмасин, ҳамма у кишидан маслаҳат, дуо олишга ошиқади.

– Бувим илмнинг қадри ва илмли бўлишнинг фазилати ҳақида кўп гапиради, – дейди Абдулвосит Абдуҳакимов. – Ўз бошидан ўтган кунларни эслаб, бугун билан таққосларкан, биз, ёшларни яратиб берилган шароитлардан оқилона фойдаланишга ундайди.

Бугун Ҳанифа буви қирқ нафарга яқин невара-эваралари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. У кишидан узоқ умр кечириш сирини сўраганимда: «Жон болам, қийин, мушкул деган сўзларни ёдингдан чиқар, шукр қилиб, ҳалол меҳнатинг эвазига умр кечирсанг, кам бўлмайсан. Сира кўнглингда адоват сақлама, ҳасад билан ҳали ҳеч ким муродига етган эмас. Аксинча, ҳавас қилгин, Яратганнинг ўзи зиёда қилади», дея насиҳат қилди.

Бугунги ҳаётидан миннатдор ва рози бўлиб, шукроналик билан яшаётган, сўзи ҳикмат, ҳаёти ибрат бўлган табаррук онахон билан хайрлашар эканман, у кишига ҳавасим келди: қарашлари ҳамон тийрак, руҳи тетик, бардам. Ҳанифа буви фарзандлари, неваралари эртасини, она юртимизнинг тақдирини ўз тақдиридан айри тасаввур этолмайди. Бундай пиру бадавлат кексаларимиз бор экан, йўлимиз ойдин, толеимиз ёруғдир.

Фарида ИБОДОВА,
ЎзА мухбири

БУЮК ЗОТЛАР ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

Шу кунларда юртимизнинг барча жойларида буюк бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллигига бағишлаб турли тадбирлар, адабий-бадиий кечалар, давра суҳбатлари, мушоиралар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ташкил этилди.

«Мумтоз адабиётда маънавий тарбия» деб номланган бадиий-маърифий кечада Академия раҳбарияти, навоийшунос олимлар, шоирлар, профессор-ўқитувчилар ва тингловчи-курсантлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар буюк бобокалонларимиз ҳақида гапирар эканлар, тилимиз, адабиётимиз, халқимизнинг маънавий дунёсининг юксалишида уларнинг асарлари катта аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтдилар. Дарҳақиқат, улар қолдирган улкан маънавий хазина бугунги кун авлодларини Ватанга муҳаббат, элга садоқат руҳида тарбиялашда, халқ дардида ёнадиган, билимли, маънавияти бой, эзгулик, комиллик сари интилувчан инсонлар этиб вояга етказишда муҳим тарбиявий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

– Навоий бобомизнинг асарлари сал кам олти аср бўлибдики, ҳамон ўрганилмоқда, ғазалларини ҳар ўқиганингизда ўзингизга янги бир маънони кашф қиласиз, – дейди Академиянинг тил ва адабиёт кафедраси доценти, подполковник Абдуваҳоб Холиқов. – Бундай бадиий кечаларнинг ташкил этилиши тингловчи ва курсантларимизнинг маънавий савиясини ва буюк сиймоларимиз ҳақидаги билим даражасини бойитади. Ўз касбига бўлган қизиқишини оширади. Ватанга хизмат қилиш, халқ дарду ташвишлари билан яшаш ва ишлашга ўргатади.

Академия тингловчилари Навоий ва Бобур қаламига мансуб рубоий ва ғазалларни ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида ўқидилар. Бобур ғазали билан ижро этилган қўшиқ бадиий кечага йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди.

Абдували СОДИҚОВ

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Пойтахтимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими томонидан шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари билан ҳамкорликда бошланғич ташкилот етакчиларининг минтақавий форуми ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида уюштирилган форумда 2014 йилда амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, билим ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда ёшларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда таълим-тарбия олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун шарт-шароит яратиш энг муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу жараёнда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол, ўз сўзида собит, мустаҳкам ишончга лойиқ этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Бу «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятининг асосини ташкил этади.

«Камолот» бўлимлари барча умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда ёшларнинг эзгу орзу-интилишлари, режаларини қўллаб-қувватлаб, уларни рағбатлантирмоқда. Мазкур саъй-ҳаракатлар самарасида ёш авлоднинг мустақил фикрлайдиган, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, маънавий етук инсонлар бўлиб улғайиши, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш йўлида тизимли ишлар амалга оширилаётир.

«Камолот» томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган «Юртимни обод этаман», «Сиз қонунни биласизми?», «Юрт келажаги», «Ёшлар гиёҳвандликка қарши», «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз», «Ёшлар экоҳаётни танлайди» тадбирлари, «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати, «Мунозара» тўгараги, «Ёзни «Камолот» билан», «Камолот» кубоги ва бошқа спорт, саломатлик, экологияга оид лойиҳалар, танловлар ёшларимиз орасида тобора кенг оммалашмоқда.

Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад навқирон авлод салоҳиятини мамлакатимизда амалга оширилаётган азгу ишларга сафарбар этиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Ўтган йили ўтказилган етти мингдан ортиқ ана шундай тадбирга пойтахтимиздаги 668 бошланғич ташкилот тизимида фаолият юритаётган бир миллиондан зиёд йигит-қиз қамраб олинди.

– Юртимиз ёшларини бирлаштириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун кўмаклашиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш муҳим вазифамиздир, – дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Бобур Мирзаев. – Уларнинг эзгу ғояларини рўёбга чиқариш йўлида бошланғич ташкилотлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур форум бошланғич ташкилотлар етакчиларининг ёшлар билан ишлаш борасида билим ва кўникмаларини ошириш, энг яхши бошланғич ташкилотларнинг илғор тажрибаларини тарғиб қилишга қаратилди. Етакчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиққан ҳолда истиқболдаги вазифалар ва ўз фаолиятидаги устувор йўналишларни белгилашга оид маълумотлар берилди. Энг фаол бошланғич ташкилотлар етакчилари рағбатлантирилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

Учинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Савол:

Тошкентдаги «Ўзбекистон» Халқаро анжуманлар саройи қачон қуриб битказилган?

Спорт янгиликлари

ДЗЮДО БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида мамлакат чемпионати ўз ниҳоясига етди. Икки кун давом этган баҳсларда Республикамизнинг турли вилоятларидан келган моҳир дзюдочилар мамлакат чемпионлиги учун кураш олиб бордилар.

Эркаклар ўртасида 60 кг вазнда Тошкент шаҳри дзюдочиси Баҳром Иноятов ғолиб чиққан бўлса, яна бир пойтахтлик спортчи Ҳомиджон Мўминов 66 килограммгача вазнда барча рақибларини енгишга муваффақ бўлди. Тошкент вилояти спортчиси Шуҳратжон Арслонов 81 кг вазнда ғолиб чиққан бўлса, 90 кг вазнда Сурхондарё вилояти спортчиси, 2011 йилги жаҳон чемпиони ва Тошкент Гран-при турнири совриндори Яҳё Имомовга тенг келадиганлари топилмади. Шунингдек, 100 кг вазнда Тошкент шаҳри вакили Фахриддин Шарипов мусобақанинг олтин медали билан тақдирланди. Ўзбекистон чемпиони, Пекин Олимпиадасининг кумуш медаль соҳиби Абдулла Тангриев ўз вазн тоифасида яна бир бор юртимизда тенгсиз эканлигини исботлади. Мутлақ вазнда беллашган курашчилар орасида Сурхондарё вилояти спортчиси Бахтиёр Менглиев ғолиб чиқди.

Аёллар ўртасида Хоразм вилоятининг спортчи қизларига тенг келадиган курашчилар топилмади. Жумладан, 63 кг вазн тоифасида Турсунпошша Нурматова барча рақибларини енгиб олтин медалга сазовор бўлди. 70 кг вазнда Гулноза Матниёзова ва 78 кг вазн тоифасида Кумуш Йўлдошева шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олдилар. Шунингдек, енгил вазн тоифасида спортчи қизлар ўртасидаги баҳсларда 48 килограммгача вазнда Самарқанд вилоятидан Нодира Гулова ғолиб бўлди. 52 кг.да Сурхондарё вилояти дзюдочиси Дилдора Убайдуллаева барча рақибаларини енгди. Хоразм вилояти спортчиси Раҳима Йўлдошева мутлақ вазнда олтин медални қўлга киритди.

Айтиш керак, ушбу чемпионат натижаларига кўра терма жамоа мураббийлари йил давомида ўтказиладиган халқаро мусобақаларда қатнашадиган таркибни аниқлаб оладилар.

Абдулазиз МУСАЕВ

ТЕННИС. Италиянинг Бергамо шаҳрида ташкил этилган «Челленжер» туркумига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Фаррух Дўстов муносиб иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, теннисчимиз яккаликлар ўртасидаги дастлабки баҳсда француз Давид Гуэсни 6:2, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ф.Дўстов навбатдаги босқичда бельгиялик Максим Аутомга қарши кортга чиқади.

* * *

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Москва шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда 600 нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Вазни 69 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Абубакр Алимов, 85 килограммгача бўлган курашчилар ўртасида Темур Мамажонов финалгача бўлган беллашувларда барча рақибини мағлубиятга учратиб, кумуш медални қўлга киритди.

БИР КУМУШ, БЕШТА БРОНЗА

Россиянинг Подольск шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган халқаро турнирда полвонларимиз 1 кумуш, 5 бронза медални қўлга киритди.

Турнирда икки юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақада ҳамюртимиз Нурбек Ҳошимбеков вазни 75 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, ўз вазн тоифасида Элмурат Тасмурадов, Данила Морозов, Жонибек Отабеков, Дилшод Ҳакимов, Мўмин Абдуллаев учинчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

Тошкент Давлат шарқшунослик институтида «Талаба-ёшлар орасида гиёҳвандликнинг олдини олиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази бўлим бошлиғи Ш.Ғуломов, Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси бошлиғи ўринбосари А. Тошматов, бошқарманинг тезкор ходими Ж. Умаралиевлар сўзга чиқиб, ҳозирги кунда бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда долзарб муаммо ҳисобланмиш гиёҳвандликка қарши кураш масалалари ҳамда бундай зарарли иллатнинг олдини олиш мақсадида ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишлари ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Ҳозирги кунда республикамизда аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этади, — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Зуҳриддин Алимов. — Шу сабабли биз ёшларга диққат-эътиборли бўлишимиз керак. Мамлакатимизда ёшлар орасида гиёҳвандлик ва ОИТС иллатларининг олдини олиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Гиёҳвандликка чалинган инсонларни даволаш ва профилактик ишларни амалга ошириш юзасидан юртимизда бир нечта наркология клиникалари ташкил этилган. Бугунги кунда гиёҳвандлик дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиддий муаммога айланди. Чегара билмайдиган бу жиноятдан дунёда ҳар йили минглаб бегуноҳ инсонлар жабр чекмоқда.

Таъкидлаш жоизки, гиёҳвандликка чалинган шахслар орасида вирусли гепатит ва сил каби хавфли инфекциялар билан заҳарланиш эҳтимоли жуда юқори бўлиши кузатилган ҳолатдир.

Тадбир давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида олиб борилаётган ишларни ўзида акс этган «Адашганлар қисмати» номли видеофильм намойиш қилинди. Шунингдек, талаба-ёшларга жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ нохуш ҳолатлар, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва унинг оқибатлари тўғрисида маълумотлар берилди.

Тадбир сўнгида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан атрофлича маълумотларга эга бўлдилар.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4609-сонли Фармони ижроси юзасидан Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг **Tekshirishlar. uz** веб-сайти ташкил этилган.

Мазкур веб-сайт орқали тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга доир қонун ҳужжатлари, Кенгаш ва унинг ҳудудий комиссиялари, назорат қилувчи органлар тўғрисидаги маълумотлар, жорий ва кейинги ой учун Кенгаш томонидан тасдиқланган текширишлар режа-жадвали ҳамда шу каби бошқа зарурий маълумотларни олиш имконияти яратилган.

Бу борада Сизни қизиқтирган саволларга мазкур тизимдан фойдаланган ҳолда аниқлик киритишингиз ҳамда тегишли маълумотларни олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб «Тошкент оқшоми» газетасининг 2015 йил 14 январдаги 9 (12.822)-сони ва «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 15 январдаги 9(6192)-сонида чоп этилган хабарнома билан «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Олмазор тумани, Сағбон кўчаси, 44-А-уй манзилда жойлашган, умумий майдони 847 кв.м, 1 ва 2 қаватли савдо, маиший хизмат ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуасининг аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз.

Савдодан олишга асос: Олмазор тумани СИБнинг 2015 йил 5 февралдаги 10815/03-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-80-26. Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 16 декабрдаги 328 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 6 февралда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар тор кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган, умумий майдони — 2765 кв.метр бўлган, бино-иншоотлар, бошланғич баҳоси – 2 846 747 807 сўм, сотилиш баҳоси– 2 995 000 000 сўм.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 26 майдаги 129 к-ПО-сонли буйруғига асосан «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг савдоларига чиқарилиб 2015 йил 30 январда ўтказилган очиқ аукцион савдоси натижасига кўра сотилган давлат активи

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 16-уй манзилида жойлашган, Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони — 2168 кв.м бўлган, Автомобилларга хизмат кўрсатиш мулкий мажмуаси, бошланғич баҳоси – 5 204 008 000 сўм, сотилиш баҳоси – 5 385 000 000 сўм.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***13 февраль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. 14 февраль куни кечқурун ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража иллиқ, кундузи — 13-15 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***13 февралда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*



"Қибрай" клиник санаторийси юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир.
Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.
Фин, турк, япон сауналари, бассейн, жакузи ванналари, фитобочка, инфрақизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.
Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд.
Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.
Ошхонада 5 маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.





Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг "Буюк Ипак йўли" бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида "Дача" бекатига бориш мумкин.
Тел.: (8-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.
Хизматлар лицензияланган

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12863 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ